– Аслида Эрк, Озодлик, Ҳуррият буғунги кунда ўсиб келалтган ёш авлоднинг хаёт ва орзу уфқларни беҳад, ҳадис кенгайтириб бормоқда, – дейди Наманган давлат университетининг ёшлар масалалари бўйича проректори, тарих фанлари номзоди, доцент Алишер ИСОҚБОЕВ. – Чиндан хам, бу неъмат уларга янгича рух, янгича нафас, ўзгача кайфиyat баҳш этмоқда. Уларнинг энг катта нияти истиклолимизга, миллий равнақимиз манфатларига ўла-ўлтунча хизмат килишдир. Айниқса, «Тафакур синовлари», «Кувонлар», «Кувонлар ва зуқколар», «Хукук билимдонлари», «Заковат», «Йил талабаси» сингари тадбирларда истиклонлинг буюк неъмат эканлиги ёшлар онгига доимий равишда сингдириб бориляпти. Бундан ташкири университеттада факультетлар талабалари томонидан ташкил этилган «Ҳаваскор ёшлар театри» намойиш этган «Мехр», «Тўда», «Хато», «Жайдари келин», «Захарли томчилар» ва бошقا спектаклларда ҳаётимизда учрайдиган салбий жиҳатлар рўйрост очиб берилган. Колаверса, театр ёшларнинг туййуларини тарбиялаб боряпти.


Хулоса килиб айтганда, во-дийнинг энг кўзга кўринган ва нуфузи баланд илм даргоҳларидан бирин санаатган Наманган давлат университетидан ташкил олдатган қалби кайнон, умидли ёшларни мен жўшқин, улкан дарёнинг бошланишида турбиянганин кондиримоқчи бўлган инсонга, ўйловчига ўхшатган бўлардим. Негаки, одам ана шу дарёни йўқотиб, назардан четда колдиришини истамаганидек, ёш авлод ҳам ўзига тўғри ва аник йўлни кўрсатувчи даргоҳдан мосуву бўлгиси келмайди. Зоро, бу манзил уни мудом нурли манзиллар сари бошлаб боргусидир.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухабири

«БИР КУН СЕН ҲАМ ҚАЙНОНА БЎЛАСАН»



Каромат аянинг икки нафар ўғли бор. Каттаси Содик иккинчиси Ортиқ. Уларни едириди, ичирди ҳеч кимдан кам қилимай катта қиди...
Умрнинг тез ўтишини қарангли, болалар кўз очиб юмунча катта йигитлар бўлишиди.



Иккиси ҳам бақувват, эслихуши булиб, vogta etdi. Касбхунар эгаси бўлишгач, уларни уйлантириши пайига тушган ота-она кувончдан ичига сифмас эди. Кўп ўтмасдан, эркатой набираларнинг суюкли бобо-бувисига айланниди. Икки ўғлингиз фарзандлари ҳам ҳаш-паш дегунча улгайди. Уйда Каромат аянинг айтганидаган, дегани-деган эди.

Бир куни гапдан гап чиқиб, ака-ука ўртасида келишмовчилик юзага келди.

— Ака, сиз нотўғри тушунманг-у, жиянингиз ҳам улгайди, катта бўлиб колди. Эрта-индин уйланадиган ёшга етди. Келин келгандан кейин уйбизор кичиклик кильмасмikan? Камига сизнинг келинингиз ҳам шу ерда бўлса...

Бу гаплардан жаҳли чиқкан Содик укасига ўшкириди:

— Ҳа, ука!.. Ҳали биз уйга сифмай қолдикми? Бунча бағргинг тор бўлмас, шунча пайт яшаб келганимиз-ку.

Аламдан хўрсинганча, эшикни каттиқ ёпиб, чиқиб кетди. Кечки дастурхон атрофида Содик гап бошлади:

— Дада, ойи, хайхотдай ховлига укажоним сифмай колибди. Шунинг учун ховлини тенг иккига бўлсаларнинг эркатой ўғлингиз ёнига уй солиб, ўзи хоҳлаганича кенгайтириб олармиди. Хўш, нима дейсизлар?

Она хайратдан котиб колди. Ортиқ ўрнидан туршиб, қўлини пахса килганча, «бу уй меники,

одат бўйича уй кичик фарзандга колади. Демак, акам бошка жойдан уй олиб чиқиб кетиши керак. Ҳеч кандай ярим деган нарса йўқ, гап тамом!», деб ичидаги дардиний айтиб, ёнгиллашиб олди.

Вазиятни кузатиб турган хотини мийигида кулганча, бир чеккада туради. Бу гапларни ўшитган ота-онаси ўғлингизни бу даражада акасига оқибатисиз, бемеҳр бўлиб кетишини кутмаган эди.

Тонг отиши билан Содик хотини, бола-чакасини олиб, нарсаларини йигиб, кетишига шайланди. «Ижарада яшасам ҳам сизларнинг миннатли ошинингизни емайман», деди-ю, эшикни зарб билан ёпиб, чиқиб кетди. Онаси минг ялиниб, ёлвормасин, зорланмасин, фойдаси бўлмади...

Ойлар, йиллар ўтаверди. Содикдан хабар йўқ. Отасининг уни ахтармаган жойи колмади. Охири ўшитдиги, оиласи билан бир хонали уйни ижарага олиб, кун кечираётган экан. Катта ўғли ҳам ўз аравасини ўзи тортиб юриби... Рўзгор катта эди, харажат кўп эди. Шунинг учун ҳам бир хонали уйда яшаётгани маорифни келмасди...

Бир куни онанинг тоби кочди. Ортиқни ёнига чакириб, «Жон болам, акангни кайтариб олиб кел. Жаҳз чиккандা акет кетади. Уйга кайтишин. Ахир, билимий гапидинг-ку, тўғрими? Каерларда юрган экан, болам бечора», — деб зорланди.

Ортиқ энди оғиз жуфтлаганда хотини илиб кетди: «Бизни энди

керагимиз бўлмай колдими ёки биз билан яшаш ёкмаяптими? Сизнинг мингир-мингир гапларнингизни ўшитиб яшаш бизнинг ҳам жонимизга тегди. Ҳар гапнинг бирда ўша ўғлингизни сўрайсиз! Майли, ўша ўғлингизни олиб келиб бирга яшайверинглар. Биз эса бу уйдан кетамиз. Ўғлингизни ишлари юришиб кетди энди ўйингизга зор эмасиз. Кетдик дадаси!...» Ортиқ хотининг бу гапларига мик этмади. Хотинининг ортидан сурдариб чиққанича, оиласи билан уйни тарк этди.

Онанинг кўз ёшли бефойда кетди. Чунки ўғил орқасига кайрилиб ҳам карамади. Уйда ёлғиз қолган ота-она нега бундай кўнгилсизликлар бўлаётганини пайқаб туради. Афсус ва на-домат чеккани билан энди кеч. Икки ўғил ҳам уйга кайтишини хоҳламади.

Ота-онасини колдирни кетган бу ўғиллар учун хаёт шу қадар осон туюлар эдики, вақт ўтиб, ўзининг бошига шундай кул-флаттер тушишини ўйлаб ҳам кўрмасди...

Каромат ая оҳу нолалари ту-тагандан кейин ортга бир назар солди. Бир пайтлар эрининг бурнидан иштказиб, ота-онаси, акаларидан ажратиб, бошка жойга кўчуб кетгани, кайнонасининг «бир кун сен ҳам қайнона бўласан», деб зорланганилари бир-бир кўз олдидан ўтди...

**Гулҳа ҲУСАНОВА,
Учкўприк тумани**

МЕН ЎҚИГАН КИТОБ

Бахт

Халиқимиз орасида «Кундошлик уйда кунда жанжал», — деган ибора юради. Бу ниҳоятда ўйлаб топилган гап. Чунки кундошлар бир уйда яшаса, кунора бўлмаса ҳам, ҳафтада, ойда оиласда жанжал чиқиши табий.



Севимли ўзувчимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романнида ўзбек миллиатининг ҳаёт тарзи, кундошлар орасидаги низолар ва уларнинг салбий оқибатларини акоэттирган. Асардаги тасвиirlарга кўра, Юсуфбек хожи агар икки келин ўртасида гап ўтганини кўрса, Кумуш ва Зайнабни ўз олдига чакириб, насиҳат киласди. Бундай холларда Юсуфбек хожи, аввало, Кумушдан хафа бўлиб: «Ойим, ҳар нима сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан чиктика шафат лозим, мундог яхши эмас!», — деган гапларни айтади. Сўнгра Зайнабга ҳам насиҳатлар бериб, «кейин иккисини дуо килиб, бир-бираiga салом» бердиради. Романда-

ги ҳар бир каҳрамоннинг ўз киёфаси мавжуд бўлиб, биз шундан Зайнаб образига тўхталиб ўтиши лозим топдик.

Абдулла Қодирий Олим понсадбошининг кизи Зайнаб портретини чизар экан: «Ўн етти ўшлар чамалик, кулча юзлик, опоккина, ўртача хуснлик», — деб таърифлайди. Зайнаб тақдир хукми ва ота-оналарнинг орзуси билан Отабекнинг сўймаган хотинига айтади.

Романинг ўқиб бўлгач ҳар бир китобхонда Кумушга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ачиниш хисси-ю, Зайнабга нисбатан нафрат туйгуси пайдо бўлади. Тасаввур килиб кўрайликичи, Зайнаб образи йўқ бўлганда

кандай бўларди? Ўйлашимизча, бу холатда романинг таъсири-чанлиги йўқолади. Мен ҳам «Ўткан кунлар»ни ўқиганимда калбимда Зайнабга нисбатан нафрат туйгуси пайдо бўлган эди. Аммо унинг ўрнига ўзини кўйиб кўрган, унинг қалбидаги кечинмаларни чинакамига хис

килган инсонингина унга тўғри тушуниши мумкин. Чунки унинг ҳам аёл сифатига севишга ва севилишга ҳақки бор эди.

Кумушнинг Тошкентда колгани Зайнаб учун нечоғлик оғир эканини сезиши кин эмас. Кумуш келган кунданоқ Отабек жонланади, Юсуфбек хожининг «Марғилонда шундай келинимиз бор экан, билмай юрган

эканмиз», деган сўзлари Зайнабга қанчалик оғир ботганини тасаввур килиб кўринг. Бу пайтда ўзбек ойимнинг ҳам Зайнабга нисбатан муносабати ўзгара-ди. Зайнаб ўтиреса ўпок, турса сўпок, ундан факат хото ва камчиликлар ахтаради. Ҳамманинг тилида Кумуш бўлиб колади. Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги ўзаро низолар ҳам Отабекни ахволга солиб қўяди. Отабекнинг бу можаролар давом этаверса, иккалаларнингдан битталарнингнинг жавобларнингни беради, деган аччик сўзлари Зайнабга каттиқ таъсир килади. Чунки Зайнаб биларда, Отабек Кумушни қанчалик севишини. Отабекнинг бу гаплари худди Зайнабга қаратилган ўқдек ту-юлар эди.

Айниска, Зайнабнинг жавобсиз севги аламида ўртаниб, севмаган одами Отабек кучигига ўзини ташлаб, жонсиз хайкални ўпib, кучоклаб ёлвориши-ри манзарасини ўқиганимизда унга хакикатдан ачинчи хисси кучяди. Отабек ота-онасининг орзусига ўз таъбирича жонсиз хайкал бўлиб ризолик берганини эслаймиз. Кундошлик мухитида яшаган оғир-босиқ Зайнаб, оиласи Хушрўй сўзлари билан астасекин касоскорга айланади. Зайнабнинг кўнглига гулгула солтан Хушрўй

ҳам мълум мънода Кумушнинг ўлимига сабабчи. Аммо Қодирий Хушрўйни ошкора кораламади. Уни Зайнабдан тубдан фарқ килишини, ҳаёт тарзини, ички ва ташки киёфасини чизиб беради. Биронинг оиласидан бузилишига курилган «бахтни» чинакам баҳт деб бўлмайди. Хусусан, Хушрўйнинг ҳам ҳаёт шундай баҳт эзвазига курилган ҳаёт эди. Қодирий шу тасвирлар орқали ўзбек аёлларининг мурракаб ҳаёт йўлларини, ундаға ҳар хил зиддиятларни реал тарзда очиб беради ва бу асарнинг ҳакканийлигини янада кучайтирган.

Зайнабни биз ўз баҳти учун курашган аёл сифатидаги кўришмиз мумкин. Чунки ҳар бир аёл баҳти яшашни, севишни, севилишини хоҳлади. Сўймаган ёри хонадонида севилмай яшаш Зайнабнинг изтиробларини дакиқадан соатга, соатдан эса кунга кўпайтираверади. Баҳти учун курашган Зайнаб ўзи билмаган ҳолда Кумушнинг овқатига заҳар кўшади ва бу килган иши хото эканлигини ўйлаб, охири телбага айланади. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романни билан ўзбек оиласидан бузилишини ҳаётини, кундошлик муносабатларини реал тарзда очиб берган.

Мафтуна НОРҚУЛОВА



«Аёл боласини сотди»,
«Аёл боласини бўғиб ўлдириди»,
«Аёл жиноятга қўл урди»...

Бугунги шиддатли, ҳар куни минглаб воқеа ва ҳодисалар бўхрони гирдобида ўтаётган глобаллашув даврида АЁЛ зотининг қадр-кимматини, ҳимоясини кучайтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар қанча бўлса, афсуски, аёл билан, унинг маънавияти билан боғлиқ ҳолатлар ҳам талайгина.

ФОЖИАДА ҲИССАМИЗ ҚАНЧА?

«хиссаси» етарлича баҳоламайди.

Бундай ҳолларда аёлга нисбатан зўравонлик ҳолатини «ўзи хоҳлагани учун бирга бўлган», «вояга етганку» деган изоҳлар билан ёшиб юбориш ҳам аслида хакли муносабат эмас.

Фожианинг яна бир асосий сабаби...

Биз фожиа сабаблари, илдизларига тўхталаидиган бўлсан, аввало Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Термиздаги «Султон Соат» маъмуасини зиёрат килиш чогида ёшларнинг исломий таълим-тарбияндан узок колганини ўз ўрнида баҳолаб, «Очик айтсан, одамларни тарбиясига Ислом нур эканлигини сингдиролмади. Фожиамиз мана шу ерда», деб айтган сўзларини эслашмис зарур бўлади.

Чунки Деновда бўлган мана шу муджиҳи ҳолатда ҳам никоҳсиз бола кўриш, онласига хиёнат килиш фожиаси болани туғиб ҳожатхонага ташлаб ўлдириш хуносасигача бориб етишининг негизида ҳам оиласа, атроф мухитда аввало нафакат диний, балки инсоний ахлок кондадарини, маърифатни англаб етмаслик ётибди.

Қаерга қарайламиш?

Бугунги кунда жамоатчилик томонидан бот-бот таракорланаётган «масъулла киерга қаражапти?» деган эътироз ҳам ўринли.

Шу ўринда Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Кобулованинг Денов туманида бўлган холат юзасидан берган маълумотига тўхтalamis:

— Мен ўша куни Денов туманида хизмат сафарида эдим. Профилактика инспекторидан эшишиб, боланинг соглигини суриштириб, туман тибиёт бирлашмаси бош врачи билан тибиёт ёрдам берниша эътиборсизлик қилимай, назоратда ушлаши навбатчи врачларга тайинладик.

Майдум бўлишича оиласа б фарзанд – 2 нафар ўғил, 4 нафар киз улгаймоқда. Ф.Т.нинг маълумоти ўрта-маҳсус, отаси ишлашга руҳсат бермаганлиги учун

уидида тикувчилик билан шуғулланиб келган. Унинг номусига амакисининг ўғли 1990 йилда туғилган ўзи билан бир маҳаллада яшовчи А.Т. теккан. Бола 2.07.2019 йилда туғилган, онаси ва ўзидан бошкада кеч ким билмаган. Отаси ва ака-укасидан кўрканидан, кариндошуруг, кўни-кўшинидан уялганидан онаси билан келишган ҳолда болани йўқ килиш учун шу йўлни топган. Бола ҳожатхона янги тозаланганинига ва орка томони билан тушганинига сабабли ўз вактида топилиб, тиббий ёрдам кўрсатилган. Хозирда саломатлиги яхши.

Туман Хотин-қизлар кўмитаси раиси оиласа хабар олди. Оила маҳалланинг оддий оиласаридан. Отаси ҳам, оила аъзолари ҳам воқеадан хабар топгач, яна бир хатоликка йўл кўйиб кўймаслиги учун уларга вазияти борича кабул килиши ва яна кескинлаштираслиги тушунириди. Хозир вазият назоратга олинди, болага гувоҳномани расмийлаштириш чораси кўрилмокда.

Яна кечиқдик...

Тўғри, аслида бу каби бонг уришлар ҳам, ҳалқ таъбири билан айтганда, «бўлари бўлиб, бу ёти сингиб бўлганчудан кейнинг хабар олишлар ҳам, кайсиdir маъстулини ишдан олиш, кимгадир чора кўриши кабилар ҳам фожиани юмшатишга асос бўлмайди.

Чунки кўриниб турибди, юкоридаги ҳолни содир этган эрқак ва киз яшайдан таракорланаётган маътирий мухит етарлича соғломлаштирилмаган. Қиз ҳомиласини «ҳожатхонага ташлаш учун» кўтариб юрган 9 ой давомида кеч ким нарсани сезмаган.

Бугунги ислоҳотлар натижасида шу ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш учун кўрилаётган чоралар, маъсалан, «Қизлар саломатлик маркази», «Аёллар маслаҳатхонаси», «Аёллар реабилитация маркази» каби ижтимоий ҳимоялаш тузилмаларидан кўзланадиган максад ўз вақтида ахолига етказилмаган. Киска килиб айтганда, яна кечиқларни

ИКТИБОС

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси ҳалқ ҳаётиди Шахс – Оила – Жамият – Давлат деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилювчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлган оиласи эса мұхтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан мұқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эхтиром кўрсатиб келади. Аёлга бўлган хурмат-этибор – бу аввало оиласи, жамият келаҗагига бўлган хурмат-этибор ифодасидир.

Шу нуктаи назардан қараганда, «Ер юзидағи ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади», деган ҳикматли сўзларда албатта чукур маъно бор.

(Ўзбекистон Президентининг
Олий Маъжлис Сенатининг
ишилчманчи ялти маъжисидаги
нутқидан)

У ҳам аёл, унинг ҳам ҳимоячиси қонун

Ҳозирда жиноят содир этган аёл хақида шов-шувли эътиroz ва ҳакоратга тўла минглаб изоҳлар ва фикрларни кузатяпмиз.

Бирор, Хотин-қизлар кўмитаси ва башка ташкилотлар ҳам аёл катта хато, хатто жиноят килиб кўйса ҳам, у аёлга нисбатан омманинг нафратини кўзгатишга, «бу аёлга ўлим» кабилидаги кийинчи тайғотига ҳақли эмас. Чунки, барча қатламдиги зарбага учраган, жинояти замирда битта ўзи турмаган аёлларни ҳам химоя қилиш конунга зид эмас.

Боласини туғиб, ҳожатхонага ташлаб юборган аёлнинг кимлишини мутлако оқламаган ҳолда, ҳолат юзасидан кўзғатилган тергов иши якунларни кутиб, ушбу аёлни, унинг оиласини хозирги мураккаб руҳий ҳолатдан олиб чиши билан шуғулланиши Хотин-қизлар кўмитасининг вазифасидир.

Хуласа ўрнида...

«Бирор гуноҳ килгандан, жим кузатиб туриш ҳам гуноҳдир», дейди доноҳакимиз.

Бу каби ҳолатларни ўз вақтида олди олинмагани масъул ташкилотларнинг ўшлар, ахоли, қизлар ўртасидан маънавий тарбибот ишларини самарали ташкил қайтига бўлган таъсирини кучайтириш, жамоатчиликнинг ҳал этувчи улкан кучидан унумли фойдаланиши, оиласадаги тарбияни тўғри ташкил этишида давлат ва надолада ташкилотлар ўртасидан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатиб туриди.

Хуласа ўрнида айтиш мумкинки, юкоридаги фожианинг маънавий жароҳати жуда чукур ва тез битадиган эмас. Биз фожиа АЁЛнинг, мутлако айбизз ГЎДАКнинг, ўша ОИЛАнинг тақдирида умрор давом этиши ҳам бор гап. Бирор, ҳар қандай вазиятида ҳам хатони тўғрилашга, жароҳатни битказишга, бу каби ҳолатлар таракорланаётганлиги учун ҳар маҳалла ва оила кесимида харакат килиш ўрнилоридир.

(Ўзбекистон
Хотин-қизлар кўмитаси)

ДАРДНИ «ТИНГЛАЁТГАН» ОҚ ҚОФОЗ...

«Махаллага янги раис келибди! Бегамжон акани бошқа ишига олишибди!..» Бутун кишилөкка таркалган шунга ўхшаш «хабар»ларни эшиштар экан, Мўмина аянинг юрагиди бир умид пайдо бўлди.

«Наҳотки?! Эски раисимизнинг ўрнига бошқаси келган бўлса?! Демак... Демак энди маҳалла биноси ҳар куни очик бўлади?! Демак, энди шўрлик набириганимга бирор ёрдам сўраб раиснинг олдига чиксам бўлади?! Эй Яраттаним, етказганинга шукр...» – ичидан ўтказди ая. Маҳалла биноси томон елдек учуб бораар экан, бутун фикр-у хаёлини кўрган кечиргандари эгаллай бошлади...

Мўмина ая кўпчилик кишлоп аёллари сингари меҳнатсиз бир кун ҳам яшамади. Ёлғиз боши билан битта дилбандини катта килди. Тиршиб-тирмашиб элга тўй берди. Кўзда ёш ила келинининг пешонасидан ўпди. Бирок... Илк набираши юрагиди оғир хасталик билан дунёга келди. Ўша кунлари аянинг ичидан нималар ўтганини факат ўзи билади... Хуллас, ойланнинг тинчи ўйқолиб, уларнинг уйидан кувонч ариди. Ёлғиз ўғли касалманд боласини даволатмоқ учун пул ишлаш мақсадиде чет элга кетди.

Бу ҳам етмаганидек касалманд бола бокишини истамаган келини ҳам аянни ташлаб кетди. Ойда йилда бир келиб боласидан хабар олиб туради. Шунда ҳам кўп колмайди, худди ҳаммасига Мўмина ая сабабидек кайнонасига ўқрайганича ховлидан чикиб кетади...

Шу-шу хаста набираши билан ёлғиз колди ая. Бу мушкулларни ечолмай боши котди. Бирон ёрдам килдаган якини бўлмасда, дардини айтадиган одами бўлмасда кари кампирнинг кўлдидан нима ҳам келарди?! Кўни-кўшни, эл улус ўзидан ортмаса, нафака пулини-ку айтмаса ҳам бўлади, арзимаган уч-тўрт сўм нимага ҳам етарди... Бирор унда маълаҳат берди, бирор бундай. Аяннин бормаган идораси, учрашмаган одами колмади. Юраги хаста митти вужудга бирон ёрдам киломади. Факат йиглади. Аламини кўз ёшидан олиб, бағрини муштлаб-муштлаб йиглади.

Махалла биносига-ку чикмаган куни ўйқ. Эрталабдан ҳамма ишини ташлайди-да, тўғри ўша ёкка қараб «югуради». Аммо, ҳар сафар келганида бино эшиги очилмаган, очилган бўлсада, маҳалла раиси келмаган бўларди. Бегамжон ая билан жуда кўп гаплашиди. Ялинди, ёлворди. У ҳам ҳар сафар дардини тўкиб соловадиган аянни кўрганида юзини тескари буриб, кетиб коладиган одат чикарди. Тилидан эса факат шу сўзларгина чикарди: «Ҳаракат киялтимиз ая! Ёрдам сўраб тегиши жойларга мурожаат килдик, кутапмиз...». Ҳа, ая кўп кутди. Бирон кимдан сада чикармакн деб кутаверди-кутаверди. Аммо, ҳалигача ўша садодан дарак ўйқ эди...

Мўмина ая бинога кириш олдидан кийшайиб кетган рўмолини тўғрилади. Сўнг оҳиста қадамлар ила ичкарига кирди.

– Она, кимнинг олдига? – савол берди янги келган бир киз.

– Қизим, раисимиз келдиларми?! Бегамжон ака эмас, ҳалигача ўша келгани бор-ку...

Котиба киз аяга бошдан оёқ разм солиб чикқач, паст товушда шундай деди:

– Ҳозир улар ўйқ эди. Мухим иш билан шахарга кетувдилар. Тинчликми, бирон ёрдам керакми?!

– Ёрдам?! – Шошиби колди ая. Ва бирдан йиглаб юборди.

– Айланай кизим, шўрлик набирам... уч ойдан бери касал!



Шунга озрок ёрдам бўларми деб келган эдим...

– Бўлди, менга маълумотларингизни колдиринг, сиз билан албатта боғланамиз...

Ая маҳалла идорасидан ўзидан ўйқ шод бўлиб, котиба қизни ду қилганича чикиб кетди. Аммо бу сафар ҳам ая кўп кутди, охири кутавериб тақдирга тан берди...

* * *

Ез ҳам бошланиб кунлар одами жиззанак кила бошлаган палла. Ая бир ўзи кишилөкнинг тош кўчаларидан ўтиб бормокда. Шу пайт унинг олдидаги башангай кийнинган, сочлари тартиб билан таралган, хушсурат бир йигит пайдо бўлди.

– Ассалому алейкум буви! – салом берди йигит. Негадир овози пастроқ чикиди.

– Вой болам яхшимисиз, тузукнина юрибисизми?! – ҳол сўради ая.

– Буви, бутун кишил онома-титида болиб...

– Қанака томоша болам? – кизиди ая.

– Шаҳардан катта бир санъаткор келиб, кишил онома-титида концерт берипти. Бормайсизми?

Шу тоб аянинг юзидаги кувонч сўниб, маҳзун бўлиб колди. Ва йигитга караб:

– Кўнглимга томоша сигармиди болам, кани эди ўша артистларнинг ҳалкнинг юрагидаги дардларини кўйга содиб кўшик айтиш, кино кислса! Қанийи шундан кейин одамларни озигина бўлса-да ВИЖДОН, РАҲМДИЛИК ва энг муҳими ОДАМИЙЛИК туйгулари жунбушга келса...

Йигит бир муддат аяга тикилиб колди-да, кейин негадир кулиб юборди.

– Эҳ соддасизда буви, соддасиз! Қанака ҳалк дарди?! Ҳозир кўпроқ тўйбоп, одаминг рагса тушидагидан, ёр висолини тараннум этидаган кўшикларга талаф катта. Ҳеч ким тўйда сиз айтиётган мавзуларда куйламайди. Кине масаласида ҳам шундай буви. Буни «шоу бизнес» дейдилар...

– Болам, шунча нарсани қаєрдан биласиз?!

– Мени танимасангиз керак. Мен – шоирман! Ўттиз-та китобим нашрдан чиккан! Ўша сизлар эшитадиган машхурларнинг кўшикларига шеърлар ёзиб бераман!..

Шу тоб аянинг юзига яна қизиллик юргуди.

– Вой ўзим айланай, ижодкормисиз ҳали?! Илоё омадингизни берсин! Бу, кўпроқ нималарни ёзасиз болам?! Кизикиб кетяпман...

– Ижодим асосан севги-муҳаббат, ишк, дўстлик ҳакида. Киссаларимда турли криминал оламлар, фантастик мавзулар, тўқима воеалар бор, яна маший асарлар ҳам ёзманди. Хуллас кўп-да, буви...

– Болам ИНСОФ, ДИЕНАТ, одамларга ЯХШИЛИК килиш ҳакида борми?! АДОЛАТ, ХАЛҚДАРДИ ҳакида-чи?! – овози тишиб кетди аянинг. Сўнг тезда ортига бурниди-да, ўйлида давом этди. Йигит эса анграйганича аянни кузатиб колди...

Мўмина ая кўлига оқ қофоз ва қалам олди. Сўнг юрагини кемираётган барча дардлари-ю аламларини ОҚ ҚОФОЗга тушириди.

Шерзод ҲАЙДАРБЕКОВ

КАРИКАТУРА



«Оила даврасида» газетаси таҳририяти маъсуллияти чекланган жамияти

Бош мухаррир
Хусннадин БЕРДИЕВ

QILA DAVRASIDA
Mustahkam oila – yurt bayanchi
Jitmoly-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси таҳририяти маъсуллияти чекланган жамияти

Бош мухаррир
Хусннадин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Қенгashi;
Ўзбекистон хотин-клизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар итифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акционерлик тижорат «Алоқабано»;
«Оила» илимий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терниди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрельда ўзбекистон Матбуот ва азборот агентлигига 0814-рекам билан рўйхатта олинган.
«Шарқ» напрэйт-матбаба акциядорлик компанияси босмаконасида чоп этилди.
Босмакон манзили: Тошкент шахри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Газетада

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Курратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмуҳамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмуҳамедов, Муҳаммаджон Қуронов

Таҳририят манзили: Тошкент шахри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уёй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Г. Бобоевон

Саҳифаловчи — Ҳ. Файзулаев

Буорумат: Г-73 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193

Адаби: 2930 нусха. Нарх: келишув асосидан.

Котоғ бичими А-3, жамжи 2 босса табоб.

Офсет усусида босилган.

Чоп этишида тоширилди: 19-00

ИНТЕЛЛЕКТ

Фузулий шеъриятининг асоси нима?

«Фузулий шеъриятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган кувват манбани ҳам – барча-барчаси , – деб ёзди олим Эргаш Очилов. – Шоир учун устоуз, шоигир, дўст, маҳрам, ҳаёт мазмуни, яшаш шарти, инсонийликдан мақсад, хуллас у – ҳамма нарса!»

ДИҚҚАТ САВОЛ:

Ушбу ўринда нуктадар ўрнига керакли сўзни ва Фузулий шеъриятининг асосий мавзуси мимими эканини топинг.

Жавоблар келгуси хафтанинг сесчаба куни соат 15:00 гача қабул килинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz
Телефон: 0 (371) 234-91-82
Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 4 июль 27-сона берилган саволнинг жавоби:

Маърифатпарвар олим Махмуджӯжа Бехбудий номи XX асрнинг биринчи чорагида Қарши шаҳрига берилган.

ПАЗАНДАЛИК

БОДРИНГЛИ ЛИМОНАД



Оила аъзоларингиз ва келадиган меҳмонларни ноодатий ичимлик билан сийлашни истасангиз, унда мана бундай бодрингли лимонаддан тайёрлаб кўринг.

Бодрингли бу ичимлик иссик кунларда айни мудда бўлиб, ҳар қандай дастурхонга ҳам кўрк бағишилаши аник.

Авало, бодринг, ялипиз ва районни блендер идишига солиб, майдалаб оламиз. Устидан 4 та лимон шарбати ва таъбга кўра шакар соламиз. Икки стакан газли сув кўйиб, араштириб оламиз.

Арашмани дока рўмол ёки турли сувчилардан ўтказамиз. Устидан эса колтан газли сувни кўямиз.

Лимонадни идишиларга кўйиб, бодринг, лимон ва ялипиз баргчалари билан безатиш мумкин.

Ёқимли иштаҳа!

zira.uz

ТАФАККУР

Жасорат тугаган куни қарилек бошланади.

A.Morya

Қариганда ақлий нуқсонлар ташки киёфадаги нуқсонлар каби яққолрек, кўзга ташланда бошлиди.

Ф.Ларошфуко

Қариганингда кўпроқ ёшлигинг ҳақида ўйлайсан.

A.Дюма

